

SAMIMIY-AUDIT

Аудиторская организация

Адрес: г. Ташкент, 100185 г. Ташкент, прос-т Бунёдкор 29, ИНН206 944 438

Телефон: (97) 376-44-41, samimiy-audit@mail.ru

Мустақил аудиторнинг аудиторлик хулосаси

«TO'RAQO'RG'ON PAXTA TOZALASH» АЖ таъсисчилари ва рахбариятига

Фикр билдириш учун асос

Биз «TO'RAQO'RG'ON PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботдан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботдан, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати ахамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботларини аудитини ўтказдик.

Корхона рахбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Корхона рахбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек корхона рахбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб

кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир.


Бундай рискларни баҳолашда, корхона ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади.

Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Фикр

Бизнинг фикримизча, «ТО'РАҚО'РГ'ОН ПАХТА ТОЗАЛАШ» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабрга бўлган ташкилотнинг илова қилинган молиявий ҳисоботи барча муҳим жihatлари бўйича «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мувофиқ тузилган.

«SAMIMIY-AUDIT» МЧЖ раҳбари  Э.Э. Эгамбердиев

Аудитор:

 Н.М.Шарипов



21 май 2022 йил.
Тошкент шаҳар, Бунёдкор шох кучаси 29